

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:(658.011.46)

МУТАЛИПОВ АЗИМЖОН МИРНОДИР ЎҒЛИ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КОРХОНА
ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мутахасислик: 5A230102-«Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н.,доц Н.Аллаёров

ТОШКЕНТ-2016

Диссертация Тошкент Молия институти «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар

и.ф.н.,доцент Н.Аллаёров

Кафедра мудири

и.ф.д., проф Т.Жўраев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....
I БОБ	ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....
1.1.	Экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти.....
1.2.	Корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацияларнинг ўрни....
1.3.	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари.....
	Биринчи боб бўйича хулоса.....
II БОБ	РЕСПУБЛИКАДА КОРХОНАЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....
2.1.	Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт стратегиясини шакллантириш.....
2.2.	Республикада корхоналар экспорт салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини.....
2.3.	Корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион жараёнларга таъсири.....
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....
III БОБ	КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....
3.1.	Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятлари.....
3.2.	Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш истикболлари.....
	Учинчи боб бўйича хулоса.....
	Хулоса ва таклифлар
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион лойиҳалар асосида ривожлантиришда корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат мамлакатнинг балки, ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутди. Бу борада янги техника ва технология кўлаmidан самарали фойдаланиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали ички рағбатлантиришнинг ўзига хос йўналишларини шакллантириш экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга имконият яратди. Натижада ички ва ташқи бозорлар учун доимий янгиланиш суръатига эга бўлган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўлаmi кенгайиб боради. Мазкур жараён экспортга йўналтирилган барча тармоқларни инновацион лойиҳалар асосида ривожланишини тақозо этади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш орқали экспорт суръати барқарор ўсиш кўрсаткичларини қайд этмоқда. Лекин, мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда инновацион лойиҳаларга кенг имконият яратилмаган. Ҳеч шубҳасиз маҳсулот ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳалар асосида ёндашув инновацион иқтисодиёт шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг асосий якунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида қуйидагича тўхталиб ўтди: «... Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш

имконини беради. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради»¹.

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган салбий ҳолатлар республикамиз корхоналари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларга жаҳон баҳосининг пасайиши хавфини туғдирмоқда. Бунинг оқибатида мамлакат экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси пасайиш хавфи ортиб боради. Натижада мамлакат экспорти таркибида диверсификация жараёни сустлашиб, экспорт товарларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан мамлакатимиз корхоналари экспорт кўламини кенгайтиришга ўзининг самарали таъсирини акс эттирувчи лойиҳалардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Мамлакатимизда ташқи савдо барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини янада ошириш ва экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Корхона экспорт салоҳиятини ошириш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари тадқиқот объектини ташкил этади. Тадқиқот предмети бўлиб, экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги ўрни ҳисобланади.

¹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси / И.А.Каримов. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б. Ўзбек ва рус тилларида.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини асослаш;
- корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацияларнинг ўрнини кўрсатиш;
- инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт стратегиясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;
- корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион жараёнларга таъсирини тадқиқ қилиш;
- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятлари асослаб бериш;
- Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти асосланган;
- корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;
- инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт стратегиясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган;
- корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион жараёнларга таъсири тадқиқ этилган;

- республикада корхоналар экспорт салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси баҳоланган;
- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятлари асослаб берилган;
- мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт салоҳиятини ошириш йўллари борасида ишлаб чиқилган тавсиялар ва олинган хулосалар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ўсишга таъсирини назарий ва амалий жиҳатлари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, яъни А. Смит¹, П. Кругман, П. Линдерт, Дж.Милль, М. Обстфельд, М. Пебро, М. Портер, Дж. Сакс, П. Самуэльсон томонидан тадқиқ қилинган ва уларнинг илмий асарларида кенг ёритилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.А.Мальцев², А.Семенов³, И. Кобута, М. Прокопьев Е. Серова, Б.Фомин, В. Фомичев, И. Храмова, Б. Черняков, Г. Овчинниковлар экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш масалалари билан етарлича илмий изланишлар олиб боришган.

¹ А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. —М.: Соцэргиз, 1962. с. 332 с.

² Мальцев А.А. Государственное регулирование внешнеэкономической деятельности в РФ 1994-95 гг. Учеб.пособие/А.А.Мальцев.-Екатеринбург: Изд-во ЕАИУП, 2004.

³ Семенов К.А.Международная экономическая интеграция. -М.: Лагос, 2001. с. 128

Ўзбекистонда мазкур муаммонинг илмий ва амалий жиҳатлари М.Абдусаломов⁴, Б.Салимов, А.Расулов⁵, А. Алимов, Р. Абдуллаев, Д. Аҳмедов, Ш. Арифханов, Т. Аҳмедов, А. Бедринцев, Р. Каримов, Ф. Назарова, Э. Трушин, Р. Ҳусанов, Қ.Чориев, Ш.Мустафоқулов, У.Мухитдинова каби олимлар асарларида кенг тадқиқ этилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда абстракт - мантикий фикрлаш, анализ ва синтез, тизимли ёндашув, қиёсий, иқтисодий таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, мамлакат экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан тегишли фан дастурларини такомиллаштиришда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Республикасида экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш борасидаги давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни жами 86 бетда баён этилган.

⁴ Абдусаломов М. и другие. Проблемы и предпосылки углубления экономики Узбекистана в мировой хозяйство. Ташкент 2006.

⁵ Расулов А.Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон: ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон ҳўжалигига интеграциялашув. -Т.: Ўзбекистон,1996

I БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти

Ҳар қандай мамлакат жаҳон ҳўжалигига кириб бориш жараёнида ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга бўлган товар ва хизматларни экспорт қилиб, ички истеъмоли учун зарур, етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмаган товар ва хизматларни импорт қилиш орқали халқаро савдо алоқаларида иштирок этади.

Халқаро савдода иштирок этиш мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар айрибошлаш кўламини оширади, бунинг натижасида мамлакатнинг мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси ортиб боради, аҳоли эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади, жаҳонда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан имкон қадар самарали фойдаланиш натижасида мамлакатда ишлаб чиқариш суръати ортиб бориб экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш натижасида мамлакатда товар ишлаб чиқаришга ихтисослашув баробарида ресурс унумдорлиги ортади, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ошиб боради.

Экспорт салоҳияти тўғрисида дастлабки тушунчалар классик иқтисодчи олимлар А.Смит ва Д.Рикардоларнинг халқаро меҳнат тақсимоли тўғрисидаги назарий қарашларида ўз ифодасини топган. Улар мамлакатлар ўртасидаги савдо сотиқ муносабатларининг доимий ривожланиб боришининг назарий асосларини яратганлар. Бу олимлар мутлоқ ва нисбий афзалликлар назариясида халқаро савдонинг афзалликлари устида фикр юритади. Улар мамлакат маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бошқа мамлакатга нисбатан мутлоқ афзалликка эга бўлмасада, аммо нисбий афзалликка эга бўлиши мумкинлиги эътироф этадилар.

Бир мамлакат муайян маҳсулотни бошқасига қараганда самаралироқ ишлаб чиқара олиши мумкин бўлса, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги мутлоқ афзалликлар вужудга келади. Бир мамлакатда бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг муқобил қиймати бошқа мамлакатдагига қараганда паст бўлса, ана шу мамлакатнинг нисбий афзалликлари тўғрисида гапириш мумкин.

Д.Рикардо, ҳозирда нисбий афзалликлар қоидалари деб юритиладиган концепцияни яратган. Ушбу афзалликларни таҳлил қилиш орқали у шундай хулоса чиқарган: бир мамлакат экспорт қилувчига нисбатан товарларни камроқ харажатлар билан ишлаб чиқара олса ҳам, уларни бошқа мамлакатдан импорт қилиши мумкин. Бунда Д. Рикардо нисбий афзалликни назарда тутган.

Бугунги кунда экспорт салоҳияти халқаро савдода мамлакат рақобатбардошлигини ифодаловчи ва таъминловчи энг муҳим омил сифатида тавсифланади. Мамлакатлар халқаро меҳнат тақсимооти типларига биноан ўзларида тақчил ресурсларни ўзлаштириб, эҳтиёжларни қондиришнинг самарали муқобил имкониятларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этишда экспорт салоҳиятига таянадилар. Айрим мамлакатларда маълум турдаги товарларни ишлаб чиқариш учун зарурий ресурс мавжуд бўлмасада улар жаҳон бозори учун зарурий товарларни экспорт қиладилар.

Мамлакат экспорт салоҳиятининг ортиб бориши товар ишлаб чиқаришда миллий харажатларнинг пасайиб боришига, пировордида экспорт қилинадиган товар ва маҳсулотлардан олинадиган даромаднинг ортишига сабаб бўлади.

Халқаро савдода товарларнинг экспорт таркиби фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида такомиллашиб боради.

Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар

айрибошлашининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмни ташкил қилади. Бунга асосий сабаб XX асрда фан технология соҳасида улкан ютуқларнинг қўлга киритилиши, жаҳон мамлакатларида ишчи кучи суръатининг кескин ўсиб бориши натижасида меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган ишлаб чиқариш суръатининг ортиб бориши ва бошқа бир қатор ҳолатлар сабаб бўлди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг катта қисмини ташқи бозорларда айрибош қила бошладилар. Бундай ҳолат жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланиш стратегиясида улкан ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ўз навбатида иқтисодий ривожланишнинг икки хил моделини юзага келтирди. Айрим мамлакатлар экспортни рағбатлантириш, айримлари эса импорт ўрнини босувчи иқтисодий ривожланиш моделини танладилар. Ушбу ҳолат жаҳон иқтисодиётида “Янги индустриал” мамлакатларни шаклланишига сабаб бўлди. Бу эса жаҳон халқаро савдо жараёнларида экспорт ҳажмини барқарор суръатда ўсиб боришида ўз аксини топди. Дунё мамлакатларининг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳаракатлари натижасида жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Бугунги кунда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаган мамлакатлар, хусусан Шарқий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотида экспорт улуши 60% га яқин кўрсаткични ифода этади. Бундай ҳолат экспорт салоҳияти тушунчасини илмий назарий асосларини чуқур ўрганиш ва унинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишдаги ўрнини таҳлил қилиш заруратини юзага келтиради.

Экспорт салоҳияти тушунчасини ёритишдан олдин “салоҳият” тушунчасини ёритиш мақсадга мувофиқ. Э.Набиев ва А.Қаюмовлар илмий изланишларида - «...салоҳият (иқтисодий, ишлаб чиқариш, меҳнат) маълум макон ва замонга боғлиқ ресурсларни умумлаштириш, жамлаш хусусиятини

билдиради»¹. Э.Набиев ва А.Қаюмовлар иқтисодий салоҳиятни мамлакат меҳнат салоҳияти тушунчаси билан бевосита боғлиқлигини ифода этадилар. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки салоҳият мавжуд ресурс ва шарт шароитлардан самарали фойдалана олиш имкониятидир.

Мамлакатимиз ёш олимларидан Р.Рахмонов экспорт салоҳияти тушунчасига қуйидагича таъриф беради: ... «экспорт салоҳияти – бу миллий иқтисодиёт, минтақалар, алоҳида олинган тармоқлар ёки корхоналарнинг экспортга керакли даражада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва етарли ҳажмда етказиб бериш қобилиятидир»².

Россиялик иқтисодчи олимлар Ю.А. Савинов, В.А. Орешкин, А.А. Лебедевлар экспорт салоҳияти тушунчасига қуйидагича таъриф берадилар: ...«экспорт салоҳияти- миллий иқтисодиётнинг маълум соҳаларида ташқи бозор учун маҳсулот ва хизматлар етиштириб бериш ва уларни кенг миқёсида мақбул нархларда сотиш қобилиятидир».³

Бизнингча экспорт салоҳияти бу - мамлакатнинг жаҳон бозори конъюктурасига мос рақобатбардош товар ва маҳсулотларни етказиб бериш қобилиятидир.

Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини комплекс ҳолда ривожлантиришга имкон беради. Бунга мисол тариқасида сўнги йилларда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб бу борада улкан натижаларни қўлга киритаётган Хитой, Бельгия, Чехия, Словакия ва Шарқий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади. Ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми экспортулушига тўғри келиши ушбу ҳолатни ёрқин исботидир.

¹ Э.Набиев, А.Қаюмов “Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти”. «Академия» Тошкент 2000 й.

² Р.Рахмоновнинг и.ф.н. илмий даражасини олиш учун «Минтақа экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва такомиллаштириш йўллари» (Фарғона минтақаси мисолида) мавзусида ёзган диссертация автореферати.

³ Ю.А. Савинов, В.А. Орешкин, А.А. Лебедевлар Экспортный потенциал отрасли по разработке и сбыту информационно-коммуникационных технологий. Российский внешнеэкономический вестник. 6 - 2013

Мамлакатда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ортишига, хом ашё ресурслари ва ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланишга, иқтисодиётда очиқлик даражасининг ўсишига, шунингдек бошқа бир қанча ижобий омиллар таъсири остида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими мамлакат иқтисодиётида амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий ислохотларни кенг қўламли самараси экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда намоён бўлади, айниқса миллий иқтисодиётда сифат ўзгаришларига эришиш бевосита экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистонда ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мамлакатнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашувига ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириб талаб этади. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши натижасида йилдан-йилга ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг салмоғи ортиб сифати такомиллашиб бормоқда. Бу эса, ялпи ички маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларининг улуши йилдан йилга изчил ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Айниқса мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотда кескин сифат ўзгаришларига эришилди. Олиб борилган изчил иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимиз экспорт таркиби бугунги кунда пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хом-ашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби қўплаб тайёр товарларни ишлаб чиқариш эвазига сифат жиҳатидан анчайин такомиллашди. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти тармоқларида 2010-2014
йилларда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг таркиби
динамикаси(фоизда).¹**

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулот	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат	23,9	24,0	24,0	24,2	24
Қишлоқ хўжалиги	18,0	17,6	17,5	17,6	8,3
Қурилиш	6,5	6,1	5,9	6,0	7,3
Транспорт ва алоқа	11,5	11,7	11,9	11,9	14,9
Савдо	9,3	8,8	8,6	8,5	8,9
Бошқалар	21,7	24,0	24,4	23,8	25
Маҳсулотларга солинадиган соф солиқлар ва экспорт-импорт операциялари	9,2	7,9	7,7	8	11,6

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат соҳасига қаратилган юксак эътибор туфайли саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш суръати 2010-2014 0,1 фоизли мутлоқ ўсиш суръатини қайд этган. Ўсиш суръати қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо соҳаларида ҳам кузатилинган. Жумладан мазкур ҳолат мамлакатимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ортиб бориши ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида қурилишнинг улуши 6,5 фоиздан 7,3 фоизгача ўзгарган. Шунингдек, ташқи савдода айрибошлаш ҳажмининг ортиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида мазкур соҳанинг улуши 9,2 фоиздан 11,6 фоизга ўсиш кўрсаткичига эришганлигини кўриш мумкин.

¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

“Инқирозга қарши чоралар дастури” доирасида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, шунингдек экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини ва экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора тadbирлар натижасида республикамиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Буни республика ташқи савдо кўрсаткичларини ифодаловчи қуйидаги жадвал маълумотлари орқали гувоҳ бўлишимиз мумкин.

2-жадвал.

**2010-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо
айланмаси динамикаси¹. (млн.АҚШ долл)**

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ташқи савдо айланимаси	22199,2	26365,9	26416,1	28269,6	28093,3
Экспорт	13023,4	15021,3	13599,6	14322,7	14109,0
Импорт	9175,8	11344,6	12816,5	13946,9	13984,3

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланимаси 18,76 фоизга ўсган, экспорт ҳажми эса импортга нисбатан 41,93 фоизга юқори кўрсаткични қайд этган. 2011-2012 йилларда эса ташқи савдо ҳажми 0,19 фоиз ўсиш кўрсаткичига эришган ҳолда ташқи савдо таркибида экспорт ҳажми -9,46 фоизга камайган, импорт эса қўшимча 12,97 фоиз ўсган. 2013-2014 йилларда эса 0,62 фоизга камайган экспорт ҳажми эса 1,48 фоизга пасайган.

¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган чора тадбирлар натижасида мамлакат экспорт ҳажми йилдан йилга ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлиб бориш билан бир қаторда жаҳон бозорига кириб бориш учун ишлаб чиқарилаётган маълум турдаги товарлар рақобатбардошликни ҳосил қилмоқда. Машинасозлик саноати, кимё саноати, металлургия саноати соҳаларида ишлаб чиқарилаётган товарлар шулар жумласидандир.

Республика ташқи савдосини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, экспорт таркибини диверсификация қилишга ва унинг салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2010 й. № ПҚ-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги қарори билан тасдиқланган дастурни амалга оширилиши иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини янги босқичга кўтариш даврини бошлаб берди.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товар ва хизматлар рўйхатининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат турлари (айниқса, хомашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотлар экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтиради, экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларига таъсирчанлик даражасини пасайтиради .

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматлар салмоғини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технология ва илғор техникалар билан қуроллантириш;
- тайёр маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга йўналтирилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва фаолиятини такомиллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги иштирокини рағбатлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- мамлакатимизнинг экспорт бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги экспорт бозорларини эгаллаш;
- ҳар бир тармоқ ва ҳудуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш ва бошқалар.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат бўлган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида сўзлаган маърузасида ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида тўхталар экан, «...2015 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди»², деб эътироф этди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда ҳам сақланиб қолаётган жиддий муаммолар Ўзбекистон

² Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

иқтисодиёти учун яна бир синовга айланди. Шунга қарамасдан Ўзбекистон экспорти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали ўз таъсирини йўқотмаслигига қарамасдан ижобий ўсиш кўрсаткичларини намоён қилмоқда. Бунга асосий сабаб молиявий инқирозга қарши давлат дастурларининг тўғри ва аниқ шакллантирилгани ва олиб борилаётганлиги бўлса, ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилаётган чора-тадбирлар ҳам бунга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазалар ва далилларга асосланган ҳолда экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга бўлган ҳаракат кучайиб боради;
- фан-техника ютуқларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиб бориш кўрсаткичи ортиб боради;
- мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги ортади, бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатади;
- мамлакат иқтисодиётининг бир ёқлама ривожланишига чек қўйилади;
- ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига ва маҳсулот рақобатбардошлиги ортиб боришига сабаб бўлади.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш XXI аср бошида мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устивор йўналишларидан бири балки, жаҳон хўжалигига кириб боришнинг маълум бир йўли ҳисобланади. Ўз навбатида бундан унумли фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт йўлини белгилаб бериши шубҳасиз.

1.2. Корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацияларнинг ўрни

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш устувор вазифага айланди. Миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш масаласи иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб, бу йўналиш нафақат республика иқтисодиётини хомашёга йўналганлигини ўзгартириш, балки аҳолининг зарурий истеъмол товарлари билан таъминловчи рақобатбардош корхоналарни ривожлантиришни талаб этарди. Шу муносабат билан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Натижада, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарда ўзига хос бошқарув стратегияси шаклланди, маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражаси ортди, экспорт товарлар таркиби тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда йирик давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар вужудга келди. Натижада мазкур корхоналар ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлди. Шу билан бирга нисбатан қисқа давр ичида, мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлган инновацион сиёсатни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба конструкторлик ишлари ҳамда юқори технологик жараёнларни амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этишга қаратил-

моқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётини таркибан янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса, аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўла-роқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарларининг ҳаётийлик даврини барқарор ўсиб боришини таъминловчи замонавий усулларни кенг қўламда фойдаланишни тақозо этмоқда. Натижада бозор ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши миллий корхоналарнинг иқтисодий тараққиётини моддий ресурслар асосида эмас, балки инновацион шаклда, рақобат муҳитини шакллантириш орқали амалга оширилишини заруратга айлантирмоқда. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугун шуни тан олишимиз керакки, рақобат муҳитини шакллантириш йўналишда амалга оширилаётган дастурий чоратадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди. Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз режали-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ»¹. Демак, ҳозирги кунда республикаимиз саноат корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, рақобат муҳитини шакллантиришни давом эттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса, ҳозирги иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви ҳамда товарлар бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида янада долзарб масалага айланмоқда. Замонавий ривожланиш ва унинг яқин келажакдаги истиқболининг ўзига хос хусусияти шундаки, инновацион жараёнларни экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

тармоқларида қўллаш тобора зарурий воситага айланиб бормоқда. Мазкур ҳолат иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислохотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

XXI асрнинг бошига келиб инсоният янги парадигма, яъни миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш ва корхоналар экспорт салоҳиятини амалга оширишда мамлакатлар ўзининг инновацион ишлаб чиқариш концепциясига ўтиши зарур деган хулосага келинди. Миллий корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг рақобатбардошлик даражаси ва инновацион салоҳиятига бевосита боғлиқлиги, ҳозирда йирик корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган турли шаклдаги корхоналар миллий иқтисодиётнинг истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажармоқда. Аммо, маҳаллий корхоналаримизда инновацион жараёнларни амалиётга тадбиқ этиш даражасининг сустлиги, бу борада стратегик бошқариш тизимининг йўлга қуйилмаганлиги, рақобатбардошликни ошириш механизмларини самарали амал қилмаслиги каби ҳолатларнинг мавжудлиги ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва шу каби бошқа устувор вазифаларни ҳал этиш ҳолатларини кечиктирмоқда. Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш миллий иқтисодиётнинг рақобатчилик муҳитини вужудга келишини таъминлаш билан бирга корхона экспорт салоҳиятини юксалтиришга самарали таъсир этади. Натижада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмуни нафақат бойитилади, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ривожланиши учун замин

яратилинади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам берилиб, корхона маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлиги ортади. Инновацион жараёнларни амалга ошириш орқали корхона экспорт салоҳиятини юксалтириш мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. Фикримизча, корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш стратегиясини шакллантиришда механизмини жорий этишда, унинг иқтисодий моҳияти ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўллариини ўрганиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш механизмларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради (1-расм).



1-расм. Корхона инновацион стратегиясининг шаклланиш механизмлари¹.

¹ Н.М. Расулов, Б.Б. Муллабаев. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш – корхоналар рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2014 йил., 9-бет

Келтирилган таҳлиллар ва олинган назарий билимларга таянган ҳолда корхонанинг инновацион мақсадлари, истиқболи ва узоқ муддатли инновацион стратегиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса ҳамда натижалари мониторинги олиб борилса корхонанинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига олиб келади. Натижада корхонанинг инновацион муҳити шаклланади. Шу боис расмдан кўринадики, корхонанинг инновацион стратегиясининг шаклланиши, аввало, корхонанинг миссияси қандай қўйилганлигига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ихтиёрий давлатда экспорт салоҳиятининг такомиллашиб бориши, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардош, ишлаб чиқришга инновацияларнинг тадбиқ этилиши ўша давлатда яратилган қулай ишбилармонлик ва бизнес муҳитига боғлиқ бўлади.

Реал сектор корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда мамлакатнинг инновацион салоҳиятини яхшилаш, корхоналар моддий-техник базасини такомиллаштириш ва корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда юзага келаётган муаммоларнинг муносиб ечимини топиш лозим. Бу борада қуйидагиларга аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ:

- биринчидан, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фундаментал тадқиқотлар билан боғланган ташкилий механизмни шакллантириш;
- иккинчидан, реал сектор корхоналарида инновацион фаолиятни мувофиқлаштиришга йўналтирилган илғор технологиялардан фойдаланиш даражасини такомиллаштириш;
- учинчидан, қулай ишбилармонлик ва бизнес муҳитини яратиш орқали корхоналар рақобатбардошлигини оширишга таъсир этиш ва бошқалар.

Корхона экспорт салоҳиятини оширишда инновацион стратегияларни шакллантириш, инновацион салоҳият кўрсаткичларини баҳолаш услуги

муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида корхоналар фаолиятида инновацион жараёнларни намоён бўлиш шакллари ва усуллари ўзига хос хусусият касб этиб, уларнинг самарадорлиги иқтисодиётда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда эркинлаштириш жараёнларига ҳам боғлиқ бўлади. Корхоналар ўзининг ижтимоий-иқтисодий миссияси ва мақсадини самарали амалга ошириш учун инновацион асосда барқарор ривожланиши зарур. Бу эса, корхоналар учун манфаатдор, юқори даражада даромад келтирадиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш, энергия, ресурс тежамкорлигини таъминловчи самарали илмий ҳажмдор технологиялар ва интеллектуал тизимларни амалиётга жорий этадиган инновацион жараёнлар стратегия элементларини куйидаги кўринишда ифодалаш имкониятини беради (2-расм).



2-расм. Инновацион стратегия элементлари¹.

¹ Н.М. Расулов, Б.Б. Муллабаев. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш – корхоналар рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, 2014 йил., 10-бет

Бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги даврда корхонанинг экспорт салоҳияти ривожланиши истеъмолчининг истак ва хоҳишини ўз вақтида илғаб олиш ҳамда уни тезда қондиришга қаратилган тақдирдагина амалга ошади. Бунинг учун корхонанинг фаолиятини стратегик режалаштириш, унинг яқин ва узоқ келажақдаги мақсадларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга (3-расм).



3-расм. Корхоналарда маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари¹.

¹ И.С. Хотамов. Мамлакатимиз реал сектори корхоналари экспорт салоҳиятини юксалтириш стратегияси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 йил

Корхона мақсадларини унинг моҳиятига кўра бир нечта турларга бўлишимиз мумкин, масалан: бозордаги мақсадлар - таъсир кўрсатиш, сотиш, бозорнинг маълум улушини эгаллаш; молиявий мақсадлар - фойда, рентабеллик; маҳсулот ва жамият билан боғлиқ бўлган мақсадлар - сифат, ижтимоий жавобгарлик, корхона фаолияти кафолатини таъминлаш ва бошқалар. Корхонанинг экспорт салоҳияти бўйича мақсадни белгилашида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хусусияти, ташқи бозордаги имкониятлари, ишончли сотиш каналларининг мавжудлиги ҳам таъсир кўрсатади.

Демак, юқоридаги мулоҳазалар корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда инновацион жараёнларнинг таъсири ғоят муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Чунки инновацион жараёнларни амалга ошириш корхона экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадларга эришиш мажмуи ҳисобланади. Бу эса, корхона инновацион старегиясини тўғри танлашга, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш механизмларини самарали ташкил этишга, ишлаб чиқариш учун ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш имкониятларини юзага келтиради. Пировард натижада корхоналар экспорт салоҳияти ортиб, ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўрни юксалиб боради.

1.3. Инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари

Мамлакатимизда экспорт билан шуғулланувчи корхоналар ҳудудларнинг минтақавий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, ички имкониятлар доирасида экспорт операцияларини амалга оширилмоқда. Аммо ҳудудларда инновацион жараёнларни ривожлантириш билан боғлиқ муносабатларнинг самарали амал қилмаслиги, бу борада ресурс, ишчи кучи каби имкониятлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги каби ҳолатлар мавжудки, улар оқилона фойдаланиш ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб,

мамлакатимиз корхоналари экспорт салоҳиятини кескин ошириш катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун илғор маҳаллий тажрибаларни оммалаштириш билан бирга хориж тажрибаларини ҳам ўзлаштириб, уларни корхоналаримиз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўллаш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.

Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ривожланиш омилларидан бири иқтисодиётда инновацион-инвестицион жараёни жадаллаштириш, илмий-техникавий ривожланишга эришиш ҳисобланади. Экспорт салоҳияти юқори мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан инновацион-инвестицион муҳит ривожланган давлатларгина иқтисодий тараққиётининг дастлабки даврида ишлаб чиқаришининг диверсификациясига эриша олишган ва кейинги ривожланиш босқичида мураккаб технологияга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришган.

Ривожланган мамлакатларда илмий-техник дастурларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосан иккита шаклда амалга оширилади: бевосита давлат томонидан молиялаштириш ҳамда хусусий ва давлат корхоналари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилишини рағбатлантириш, улар ўз навбатида илмий-тадқиқотчилик фаолиятини кенгайтиради, илғор техника ва технологияларни амалиётга жорий қилади. Биринчи шакл илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқаришнинг энг янги тармоқларини ўзлаштириш соҳасида кўп жиҳатдан илмий-техник дастурларнинг тезлашувига таъсир кўрсатади, иккинчиси эса – техника ва технологиялар умумий даражасининг юксалишига олиб келади. Барча ривожланган мамлакатларда ушбу иккита шакллар қўлланиб, улар ўртасидаги нисбат турли мамлакатларда ва ривожланишнинг турли босқичларида кучли даражада ўзгаришларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Японияда илмий-техник дастурларни давлат томонидан рағбатлантириш бевосита бюджетдан молиялаштиришдан ташқари билвосита усуллар: солиқ имтиёзлари, тезлаштирилган амортизация асосида амалга оширилади.

Европанинг қарийб барча мамлакатларида экспорт қилувчи фирмалар фаолиятини консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш орқали рағбатлантириш йўлга қўйилган. Осиё мамлакатларидан айримларида йирик миллий компаниялар ўзларининг савдо уйлари орқали кичик корхоналарга маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишда амалий ёрдам беради. Шунингдек, Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналарига экспорт операцияларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади. Хусусан, миллий компаниялар маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш бўйича хориж экспертларидан консултация ва маслаҳатлар олишни ташкил этади. Маслаҳат бериш доираси менежмент, инжиниринг, бухгалтерия ҳисоби, банк, суғурта иши, сифатни назорат қилиш, маҳсулотларни сертификациялаш каби масалаларни қамраб олади.

Германияда 10 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида инновацион иқтисодиёт дастаклари ва технологик сиёсат сифатида ўзини оқлаган инновацион, инкубацион ва технологик марказлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай марказлар концепцияси биринчи навбатда инновацион корхоналарни яратишни рағбатлантиришга қаратилган. Унинг самарадорлиги аввало, таркибий, саноат ва илмий-тадқиқот сиёсати дастакларини бойитган тарзда иқтисодиётнинг ҳудудий ривожланиш доирасида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда намоён бўлади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бошқа Европа иттифоқи мамлакатларидан фарқли ўлароқ Германияда ягона тармоқ мавжуд бўлиб у ўз ичига ҳам технологик марказларни ва паркларни ҳам инкубацион марказларни қамраб олган. Бунда АҚШнинг инкубаторларни, Буюкбританиянинг илмий паркларни, Франция ва Япониянинг технополисларни ривожлантириш тажрибаларидан фойдаланилган.

Охирги 30 йилда Осиё қитъасида жойлашган Хитойда корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда инновацион жараёнлардан фойдаланиш даражаси шиддат билан ривожланмоқда. Маҳаллий корхоналар ўз хусусий

технологиялари ва замонавий ишлаб чиқариш қурилиши ривожланишига, малакали кадрларни ўқитишга жуда катта маблағлар киритишмоқда. Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар инновацион фаолиятнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратмоқда.

2020 йилгача Хитой илмий-техник тараққиётнинг ўн битта асосий йўналишлари бўйича жаҳон даражасига чиқишга, шундан уч-бешта позиция бўйича ҳар бир йўналишда дунё фанида етакчи ўринни эгаллашни ўз олдига мақсад қилган. Ушбу жуда муҳим мақсадларга эришиш йўлида давлат етарлича кескин тарздаги рағбатлантирувчи сиёсатни олиб бормоқда. Масалан, агарда экспорт билан шуғулланувчи корхоналар самарали ишлаётган, истиқболли инновацион лойиҳаларни олдинга сураётган бўлса, рағбатлантирувчи фонддан қўшимча пуллар олади. Қўшимча пулларни олиш самарасиз фаолият кўрсатаётган корхоналарни молиялаштиришдан 20 фоизгача бўлган суммани қирқиш ҳисобига амалга оширилади.

Бугунги кунда Хитой иқтисодиётининг 30 фоиздан юқорироқ ўсиши инновацион лойиҳаларни амалга оширишга илмий-техник инқилобни жорий этишга имкон бермоқда. Мамлакат экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши тинимсиз ўсиб бормоқда ва улар улуши ҳам 30 фоизга етган. 1980 йилдан бошлаб инновацион бизнеснинг ривожланишида маъмурий-худудий шакллантиришнинг турли имтиёзли турлари ҳисобланувчи махсус иқтисодий ҳудудлар, савдо-иқтисодий ривожлантириш ҳудудлари, саноат парклари ва ҳакозалар муҳим рол ўйнамоқда. Кўрсатиб ўтилган махсус имтиёзлар Хитой маҳаллий корхоналарини хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини шакллантиришга ва малакали мутахассисларни ҳамкорликга жалб этишга самарали таъсир кўрсатди. Масалан, фақатгина 2014 йилнинг ўзида Хитойга жами 480 минг илмий-техник ихтисосликга эга бўлган хорижий мутахассислар ишга жалб этилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда жаҳон бозорида илм талаб маҳсулотларнинг ҳажми юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Савдо айланмаси (экспорт ва импорт)да бир мунча юкори улуш электроника саноатига ва ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқаришга тегишли бўлиб уларнинг ҳажми ҳозирги кунда тахминан 30 ва 35 фоизга тенг. Илм талаб маҳсулотлар бозорида етакчи ўринларни - Катта еттилик мамлакатлар эгаллаган бўлиб, улар бутун дунё бўйича илм талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг деярли 2/3 қисмини назорат этишмоқда, шундан АҚШнинг ҳиссаси-20 фоиздан кўпроқни, Японияники 12-14 фоиз атрофида ва Германияники-10 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Юқоридаги таҳлилларга мувофиқ инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хориж мамлакатлар тажрибасини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Илм-фандаги етакчиликка, инновацион даврнинг барча босқичларини қамраб олувчи, одатда, илмий-инновацион салоҳиятнинг сезиларли даражадаги ҳиссаси билан йирик миқёсли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция);
2. Ижобий инновацион муҳитни, бутун иқтисодиётни оптималлаштиришга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);
3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, илм-фан ва технологиялар соҳасида турли хил секторлар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан янгиликларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Таъкидлаш жоизки, давлат сиёсатини шакллантиришга бўлган ёндашувлар ҳар бир мамлакатда унинг ўзига хос миллий хусусиятларига боғлиқ равишда фарқланади: Финляндияда – иқтисодиётни диверсификациялаш билан; Францияда – анчайин кичик технологик фирмаларни яратиш

билан; АҚШда – миллий иқтисодиётнинг таркибий қайта тузилишини қўллаб-қувватлаш билан фарқланади¹.

Ушбу жараёнларга эътиборни қаратган ҳолда қайд қилиш лозимки, мамлакатимизда ҳам миллий маҳсулотлар экспортини ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакатнинг умумий экспорт салоҳияти янада кенгайиб, аҳоли турмуш даражаси ҳудудлар бўйлаб имкон қадар тенг юксалиши учун асос яратилмоқда. Экспортни рағбатлантиришнинг иқтисодий заруриятини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати экспорт билан шуғулланувчи корхоналар учун рақобатбардош шарт-шароитларни ташкил этиш сиёсатини фаол равишда олиб бормоқда. Бу сиёсат солиқ имтиёзлари, бевосита ва билвосита субсидияларни стратегик муҳим ва истиқболли соҳа ва корхоналарга етказиб бериш, технологик ривожланишда ёрдам кўрсатиш, меҳнат ва молия ресурсларини мустаҳкамлаш жараёнларида намоён бўлмоқда. Ушбу мақсадли сиёсат натижасида янги экспортёр соҳаларнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқарувчи экспортчиларнинг ҳалқаро рақобатбардош параметрлари кучайиши, савдо географияси ва товарлар таркибининг оптималлашиш жараёнлари кузатилмоқда.

Шундай экан, ҳар бир мамлакат, ўзининг инновацион сиёсатини ишлаб чиқар экан маълум бир мақсадларни ўз олдига қўяди ва ривожланишнинг барча ички ва ташқи омиллари жамланмасини инобатга олган ҳолда инновацион фаолликни талаб қилинаётган даражага етишиш имконини берадиган стратегия ва тактиканинг у ёки бу турини танлайди.

Мустақиллик йилларда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари нафақат импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, балки жаҳон бозоридаги кучи рақобат шароитида товарларни экспорт қилиш мумкинлигини исботлашди. Бунда замонавий чет эл технологияларини олиб келиш, ишга

¹ Инновационная политика: учебник / Л.П. Гончаренко, Ю.А. Арутюнов. –М.: КНОРУС, 2009. -352 С.

тушириш юқори самарага олиб келди. Давлатимизнинг узоқ муддатли ҳамкорликка қаратилган инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини қоплаш, ишлаб чиқаришни маҳалийлаштириш, маҳсулотларининг таннарҳини пасайтириш ва юқори устама нархга эришиш оқибатида, нафақат юртимизда, балки МДҲ мамлакатлари ўртасида биз автомобилсозлик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдик, энергетика соҳасида мустақилликка эришдик, кимё саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларига жуда катта инвестициялар жалб қилинди.

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари қуйидаги йўналишларини қўллаш мақсадга мувофиқ:

- инновацион мақсадларда инвесторларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш учун хорижий инвестиция иштирокидаги фирма ва компанияларга солиқ имтиёзларини янада кенгайтириш (имкониятлардан фойдаланишдаги сўтқашлик, сабабсиз ҳаракатсизлик ҳолатлари содир этиладиган вазиятлар бундан мустасно);
- саноат тармоқларининг энергия тежовчи, сўнгги русумдаги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит(имтиёзли) олиш ва суғурталаш масалаларига кўмаклашиш;
- экспортчи корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур хом ашё ва эҳтиёт қисмлар импортидан бож тўловини камайтириш, тўлов вақтини эса узайтириш;
- ташқи савдо инфратузилмасини тараққий эттириш, экспортчиларга консалтинг, инжиниринг, франчайзинг ҳамда юридик хизматларни йўлга қўйиш;

- экспорт маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, мамлакатдаги илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун технопарклар ва ихтирочилар институтларини ташкил этиш;
- миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, Ўзбекистон минтақаларининг жаҳон бозоридаги мавқеини кўтариш учун экспорт операциялари билан шуғулланувчиларга халқаро молия институтлари, экспертлардан узлуксиз маслаҳатлар олишнинг мукамал тизимини яратиш;
- хорижий мамлакатларда йирик корхона ва ташкилотлар савдо уйлари-ни очиш ва улар орқали миллий кичик корхоналар маҳсулоти экспор-тига кўмак бериш ва бошқалар.

Мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши келажакда миллий ишлаб чиқаришнинг экспорт салоҳияти янада ошишини таъминлайди. Шу билан бирга корхоналарнинг экспорт имкониятини ва маҳсулотлар учун ҳисоб-китобнинг замонавий механизмларига сезиларли даражада салбий таъсир қилаётган, кенг қўлланиладиган 100 фоизлик олдиндан тўлов амалиётини такомиллаштириш, баъзи ҳолларда бекор қилиш, экспорт кредитлари, экспорт кредитлари суғуртаси ёки экспортчиларга қарама-қарши банк кафолатларини беришни такомиллаштириш ҳам ишлаб чиқарувчи-экспортчилар рақобатбардошлилигини оширишнинг муҳим омили бўлиши ва экспорт ривожланишини рағбатлантириши мумкин.

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Халқаро савдо алоқаларига киришган ҳар қандай мамлакат маълум манфаатлар асосида ташқи савдо алоқаларини йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш каби вазифаларни долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда ҳам экспортни, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ривожлантириш, яъни уни ҳажмини кўпайтириш, таркибини бирмунча кенгайтиришга қаратилган чора тадбирлар мамлакатимиз олдида турган долзаб иқтисодий вазифалар мезони ҳисобланади ва у иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторидан муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда жорий иқтисодий ислохотлар жараёнида экспортга нисбатан глобаллашувнинг афзалликларидан максимал фойдаланиш ва унинг салбий оқибатларини минималлаштириш сиёсатини юритиш муҳим масала ҳисобланади ва бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларни экспортни ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга рағбатлантириши мумкин. Шу маънода экспортни рағбатлантириш борасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш ва мавжуд кўп миқдордаги муқобиллар орасидан экспорт сиёсатининг нисбатан самарадор воситаларини қўллаш борасида хулоса чиқариш олдимизга қўйилган асосий мақсаддир.

Бозор ислохотлари йўлида жадал одимлаб бораётган мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришни амалга оширар экан экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосий долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда экспорга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаган мамлакатлар, хусусан Шарқий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотида экспорт улуши 60% га яқин кўрсаткични ифода этади. Бундай ҳолат экспорт салоҳияти тушунчасини илмий назарий асосларини

чукур ўрганиш ва унинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишдаги ўрнини таҳлил қилиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш миллий иқтисодиётнинг рақобатчилик муҳитини вужудга келишини таъминлаш билан бирга корхона экспорт салоҳиятини юксалтиришга самарали таъсир этади. Натижада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмуни нафақат бойитилади, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ривожланиши учун замин яратилинади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам берилиб, корхона маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлиги ортади.

Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ривожланиш омилларидан бири иқтисодиётда инновацион-инвестицион жараёни жадаллаштириш, илмий-техникавий ривожланишга эришиш ҳисобланади. Экспорт салоҳияти юқори мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан инновацион-инвестицион муҳит ривожланган давлатларгина иқтисодий тараққиётининг дастлабки даврида ишлаб чиқаришининг диверсификациясига эриша олишган ва кейинги ривожланиш босқичида мураккаб технологияга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришган.

II БОБ. РЕСПУБЛИКАДА КОРХОНАЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Инновацион иқтисодий шакллантиришда корхона экспорт стратегиясини шакллантириш

Бугунги иқтисодий глобаллашув ва ресурсларнинг чекланганлиги шароитида давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб инновацион ва саноат сиёсатини ишлаб чиқиш, инновацион бозорнинг самарали фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиш, фан, ишлаб чиқариш, инвесторлар, базис инновациялар деб аталувчи бевосита бюджетдан молиялаштириш учун ўзаро манфаатларни намоён этувчи илмий-техник ва технологик устуворликларни аниқлаш ҳисобланади. Шу сабаб, инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида корхона экспорт стратегиясини шакллантиришнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.


Корхоналарда экспорт стратегиясини шакллантириш мамлакат экспортини барқарорлаштириш орқали иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга оширишга самарали таъсир этади. Чунки, корхона экспорт стратегияси ўзида узоқ муддатга мўлжалланган экспортга йўналтирилган мақсадли дастурларни мужассам этади. Ушбу мақсадли дастур ишлаб чиқаришни ҳамда экспортни диверсификация қилиш асосида даромадлар ошишини таъминлашга хизмат кўрсатади.

Иқтисодий модернизациялаш, техник-технологик қайта жиҳозлаш шароитида корхоналар экспорт стратегиясини шакллантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш муҳим:

- мотивлашган раҳбарият;
- технологик ва ташкилий-бошқарув инновациялар интеграцияси;
- юқори меҳнат унумдорлиги;
- ходимлар билан самарали муносабатлар, уни инновацион жараёнларга кенг жалб этиш;

- якуний истеъмолчилар билан коммуникацияларни амалга оширувчи самарали маркетинг тизими ва бошқалар¹.

1. Мотивлашган раҳбарият. Корхоналарда мотивлашган раҳбариятнинг жорий этилиши экспорт стратегиясини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Айниқса, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Тайланд каби давлатларда корхоналар экспорт стратегиясини шакллантиришда мотивлашган раҳбариятга алоҳида урғу берилади. Мотивлашган раҳбарият корхона рақобатбардошлигини таъминлашга самарали таъсир кўрсатади. Натижада, ресурс таъминотидан фойдаланиш ва янгиларини яратиш, уларнинг жаҳон бозорида иқтисодий айирбошлов тизимида қулай вазиятларни эгаллаш мақсадларининг мувофиқлиги таъминланади². Корхонада ташкил этилган бошқарувнинг мотивацияси ушбу жараёни жадаллаштиради. Бунда маълум янгиликка интилган бошқарув бўғинлари юқори даражага бошқарувга кўтарилиб, рағбатлантириб турилади (4-расм).



4-расм. Корхона экспорт стратегиясини ташкил этишда мотивлашган раҳбариятнинг юзага келиш жараёни³.

2. Технологик ва ташкилий-бошқарув инновациялар интеграцияси. XXI асрнинг бошига келиб инсоният янги парадигма, миллий

¹ К.Кикади, Серж. Оценка локального экспортного потенциала промышленных предприятий развивающихся стран / К.Кикади Серж, Н.С. Рычихина // Экономика и предпринимательство. - Москва. 2014. № 2. - С.41.

² В.В. Швыдкий. Теория и практика формирования и реализации экспортного потенциала предприятий, Известия КГТУ(19), С. 67-73.

³ Тадқиқотларга асосланган муаллиф ишланмаси

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда мамлакатлар ўз инновацион ишлаб чиқариш концепциясига ўтиши зарур деган хулосага келинди¹. Технологик ва ташкилий-бошқарув инновациялар интеграцияси корхоналарни янги техника ва технологик жараёнлар асосида таъминлаш эвазига бозорларга чиқиш; янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш; янги хомашёлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан таъминлаш; янги истеъмол бозорларини очиш йўналишларини мажмуалашган тарзда амалга оширишни талаб этади. Бунда корхоналарнинг самарали фаолияти кўп жихатдан уларнинг инновацион салоҳиятига бевосита боғлиқ.

Миллий корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уларга хизмат қиладиган инновация инфратузилмаларини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг аста-секин кенгайиши ҳамда миллий корхоналар рақобатбардошлигини ошишига шароит яратади. Бу эса, мамлакатда инновацион инфратузилмаларини шакллантириш ва уларни самарали бошқаришни талаб этади. Чунки инновация инфратузилмасини шакллантириш эвазига жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инновацион иқтисодиёт шаклланишига замин яратилса, иккинчидан, республикамизнинг интеллектуал салоҳиятининг яхшиланиши ва ялпи ички маҳсулот улушида инновацион маҳсулотларнинг ҳажми кўпайишига олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилиб, ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши ва маҳсулот сифатини ошириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини таъминлашга доир вазифалар ҳал этилади.

¹ Б.З. Мильнер Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. – Москва: Инфра-М, 2010. – С.123.

3. Юқори меҳнат унумдорлиги. Корхоналарда экспорт стратегиясини шакллантиришда меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, янги технологияларни қўллаш билан биргаликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги сарфланаётган капитал самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда корхонада меҳнат унумдорлигини ошиб боришининг асосий омили бўлган ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва кенг тарқалишини белгилаб беради. Бунда унумдорлик меҳнат ёки капитал бирлигидан қайтим қиймати шаклида ифодаланиши мумкин.

4. Ходимлар билан самарали муносабатлар, уни инновацион жараёнларга кенг жалб этиш. Корхона экспорт стратегиясини шакллантириш жараёнида персоналга юқори даражада аҳамият қаратиш муҳим саналади. Ходимлар билан самарали фаолият корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини мувофиқ келишини таъминлашга самарали таъсир кўрсатади. Шу билан бирга корхонада меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш каби ҳолатларни ўз ичига олади.

Ходимлар билан самарали муносабатларни инновацион жараёнларга кенг жалб этилиши экспорт стратегиясини ривожлантириш жараёнидаги эскирган қарашлардан воз кечиш, янги фикрлар парадигмаларини шакллантиришга кенг йўл очиб беради.

Экспорт билан шуғулланувчи корхоналарнинг самарали фаолият юритиши корхонада ишчи ва ходимлар фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари, усуллари ва тамойилларини қўллаш натижасида амалга оширилиши мумкин. Натижада корхонада ходимлар фаолиятини бошқариш мослашувчанлигининг долзарблигини оширувчи тизим - стратегик бошқарув юзага келади, бунда бошқарув самарадорлигининг бозор иқтисодиёти мезонлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда муаммоларни ечишнинг асосий

дастаги, етарли даражадаги меҳнат шароитини таъминлаш орқали юқори суръатлар билан барқарор ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат бўлади.

5. Якуний истеъмолчилар билан коммуникацияларни амалга оширувчи самарали маркетинг тизими ва бошқалар. Экспортга маҳсулот этказиб берувчи корхоналарнинг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг самарали маркетинг фаолиятига боғлиқ. Маркетинг фаолияти орқали корхоналарда инновацион салоҳият билан боғлиқ муносабатларнинг жадаллашуви юз беради. Шу жиҳатдан корхоналар экспорт стратегиясини шакллантиришда, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда истеъмолчилар билан коммуникацияларни амалга оширувчи самарали маркетинг тизимининг ўрни алоҳида аҳамиятга молик.

Корхоналар экспортини ривожлантириш стратегияси ички бозордаги чегараланган имкониятларни эмас, балки таклиф ҳажмини ташқи омиллар ҳисобига кенгайтириш имкониятини яратади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, экспорт фаолияти давомида корхоналар ташқи бозорда жиддий рақобатга дуч келади. Бу уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, янги технология ва инновациялардан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгिलाб туриш ва таннархни пасайтиришга ундайди. Демак, корхоналарда экспортни ривожлантириш стратегияси узоқ муддатли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни шакллантиришнинг муҳим шартига, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини инновацион жараёни сифатида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини кескин оширишга, мамлакат тўлов балансини мустаҳкамланишига, шунингдек, сарф харажатларни қоплашнинг асосий манбаига айланиши керак.

Кейинги йилларда жаҳон хўжалигига интеграция даражасининг кучайиши, бу борада иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви ҳамда изчил

таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида корхоналарнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёни такомиллашиб бормоқда. Бизнингча, бу жараёни ёнада ривожлантириш мақсадида экспортга йўналтирилган корхоналар тавсифига эътиборни қаратиш зарурияти пайдо бўлади. Экспортга йўналтирилган корхоналар тавсифи корхона экспорт стратегиясини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнида қўл келади.



5-расм. Экспортга йўналтирилган корхоналар тавсифи¹.

Жаҳон амалиётида инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароити-да корхоналар экспорт стратегиясини шакллантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланмоқда:

1. Корхонанинг ички ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлган омиллар-инновацион ишлаб чиқариш, янги маҳсулот сифати, экспорт

¹ У.Якубов, Х.Асатуллаев. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари. Молия журнали. 2015 й №4 11-бет

килинаётган маҳсулотнинг техник, экологик ва санитар-гигиеник ҳолатларининг халқаро талабларга мос келиши, сўнги замонавий технологиялардан фойдаланилганлиги, корхонанинг инновацияга мойиллиги;

2. Молиявий омиллар. Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқаришдан олдин фаолиятни мавжуд молиявий ресурслар билан таъминланганлиги капитални молиялаштириш манбалари асосида шаклланади;

3. Меҳнат омиллари, яъни корхона меҳнат ресурсларининг малакаси, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар инобатга олинади;

4. Бозор, хусусан, корхонанинг ички бозордаги лаёқати, яъни корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ички бозорни қамраб олганлиги, иқтисодиёт субъектининг нуфузи, имиджи.

5. Ташқи бозор билан ишлаш тажрибаси, яъни корхонанинг ташқи бозордаги иштироки, экспорт фаолиятининг рентабеллиги, халқаро савдо ташкилотлари билан ўрнатган алоқалари¹.

Демак, юқоридаги мулоҳазалар инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган экспорт стратегиясини шакллантириш жараёни эканлигидан далолат беради. Чунки, экспорт стратегияси рақобатчиларга нисбатан корхона салоҳияти ва кучини мустаҳкамлашга қаратилган, қўйилган мақсадларга эришишнинг ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Бу эса, корхона экспорт стратегиясини тўғри танлашга, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш механизмларини самарали ташкил этишга, ишлаб чиқариш учун ички ва ташқи имкониятларни бирлаштиришни талаб этади. Пировард натижада корхоналарнинг раобатбардошлигини оширишга шароит яратилади.

¹ У.Якубов, Х.Асатуллаев. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари. Молия журнали. 2015 й №4 сон 12-бет

2.2. Республикада корхоналар экспорт салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили

Корхоналар экспорт салоҳиятининг самарадорлик даражасинини баҳолашдан асосий мақсад экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига ҳолис баҳо бериш, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш, экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топишдан иборат. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, уларни ҳисоблаш методологияси умумий статистика қоидалари ва халқаро меъёрларга асосланади. Бу кўрсаткичлар мамлакат экспорт салоҳиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича яқуний хулосалар қилиш имконини беради.

Бу кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ташқи савдо айланмаси;
2. Экспорт ва импортнинг мутлоқ ҳажми;
3. Ташқи савдо салъдоси;
4. Экспортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши;
5. Экспорнинг диверсификация индекси.

1. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси унинг ташқи дунё билан амалга оширган савдо фаолияти натижаларини акс эттиради. ташқи савдо айланмасининг мутлоқ кўрсаткичи ҳисобланиб, экспорт ва импорт кўрсаткичлари йиғиндисига тенг, яъни:

$FT=X+M$, бу ерда FT -ташқи савдо айланмаси, X -экспорт ҳажми, M -импорт ҳажми¹.

2010-2014 йилларда мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 22199,2 млн.АҚШ доллардан 28093,3 млн.АҚШ долларга ортди. Мазкур давр оралиғида ташқи савдо айланмасининг ўсиши қарийб 27 фоизни ташкил

¹ А.Ҳ.Аюбжонов. Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси. Ўқув қўлланма-Т.:ТДИУ, 2007. 85-90 бетлар.

этгани ҳолда, мутлоқ ўсиш кўрсаткичи 5894,1 млн.АҚШни ташкил этди (2-жадвал маълумотларига қаранг).

2. Экспорт ва импортнинг мутлоқ ҳажми. 2010 йилда экспортнинг умумий ҳажми 13023,4 млн.АҚШ долларга тенг бўлган бўлса, импорт 9175,8 млн.АҚШ долларига тенг бўлди. 2011 йилга келиб экспорнинг умумий ҳажми 15021,3 млн.АҚШ долларига тенг бўлгани ҳолда 2010 йилга нисбатан ўртача 15 фоизга ортди. Импорт ўртача 23 фоиздан зиёд ўсиш кўрсаткичини қайд этгани ҳолда 11344,6 млн.АҚШ долларига тенг бўлди.

2012-2013 йилларда мамлакатимиз экспорти таркибий ўзгаришига қаратилган давлат дастурларининг ижросини таъминлашга қаратилган инвестицияларнинг ўзлаштириш суръати тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли экспортнинг нисбий ўсиш суръати 8,9 фоизни ташкил этди. натижасида , 2013-2014 йилларда ҳам экспорнинг ижобий суръати таъминланди. ушбу даврда экспортнинг мутлоқ ўсиши 213,7 млн.АҚШ долларига тенг бўлди. 2010-2014 йилларда ташқи савдо таркибида экспорт ҳажмининг барқарор суръатларини ақс эттиришига асосий сабаб, экспорт қилувчи корхоналарни мамлакатимиз томонидан юқори даражада қўллаб-қувватланганлигининг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.


Импортнинг ҳажмининг ортиши асосан мамлакатимизда истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжнинг юксалиши ҳисобига рўй берган. бунда асосан: маиший техника, уй рўзғор буюмлари, кейим-кечак ва айрим турдаги озиқ-овқат турларининг кенг миқёсида истеъмоли асосий сабаб бўлган.

Сўнги йилларда экспортини маҳаллийлаштириш давлат дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар орқали мамлакатнинг ташқи савдо айланмасида импортнинг суръати биров пасайган, ушбу жараён 2012-2014 йилларда ўзининг самарасини берган. Айнан шу давр оралиғида импортнинг йиллик ўсиши 5 фоиз атрофида сақланиб қолган (2-жадвал маълумотларига қаранг). Юқоридаги ҳолатлар 2012-2014 йилларда маҳал-

лийлаштириш давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг ижобий натижаларни қайд этганлигини асослашга тўлиқ имкон беради.

3. Ташқи савдо сальдосида $FTS=X-M^1$, $FTS>0$ бўлиши мамлакат ташқи савдо айланмасини ижобий баҳолашга имкон беради. $FTS<0$ да эса аксинча ҳолат ҳисобланади.

2010-2014 йилларда мамлакатимиз ташқи савдо сальдоси ижобий кўрсаткич билан якунланган.



1-диаграмма. 2010-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси салдосини ўзгариш суръати (млн.АҚШ долларида).

2010 йилда ташқи савдонинг ижобий сальдоси 3847,6 млн.АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич, 124,7 млн.АҚШ долларини ташкил этди. Мазкур йиллар оралиғида ташқи савдонинг ижобий сальдосида қарийб 30 баробарга пасайиш тенденцияси кузатилинган. Бизнингча, ушбу ҳолатнинг асосий сабаби, кейинги йилларда тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш ҳисобига хом-ашё маҳсулотларининг экспорти қисқартирилиши орқали юзага келган. Ушбу жараён мамлакатимиз

¹ А.Ҳ.Аюбжонов. Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси. Ўқув қўлланма-Т.:ТДИУ, 2007. 85-90 бетлар.

корхоналарини экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали жаҳон бозорига кириб бориши учун зарурий шароитни яратишга самарали таъсир этади.

4. Экспортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши 2010 йилда қарийб 59 фоизни, импортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши эса 41 фоизни ташкил этган бўлса, 2012- 2013 йилларда экспортнинг ташқи савдодаги улуши қарийб 52 фоиз атрофида сақланиб қолинган, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 50 фоиздан ортган.

5. Экспортнинг диверсификация индекси экспорт таркибини диверсификациялашганлик даражаси UNCTAD томонидан кенг қўлланилган Херфиндал-Хиршман индекси (Herfindahl – Hirschman Index) ифодаланиши мумкин:

$$H_j = \sqrt{\sum_{i=1}^n \left(\frac{x_{ji}}{X_j}\right)^2}$$

Бу ерда H_j – экспорт таркибининг диверсификациялашганлик даражаси - Херфиндал-Хиршман индекси; x_{ji} -маълум бир j мамлакатнинг i маҳсулот экспорти (тўрт даражали товар коди кўринишида); X_j - j мамлакатнинг умумий экспорти.

Дунё давлатларининг юқори диверсификациялашган **Херфиндал-Хиршман индекси** 0,05 кўрсаткичидан паст бўлади. 0,05-0,1- оралиғидаги кўрсаткич кам диверсификациялашган экспорт саватчасига эга давлатлардир. 0,1 ва 0,4 оралиғидаги кўрсаткичлар иқтисодиётнинг маълум бир маҳсулотларга ихтисослашувини англатади. 0,4 дан юқори кўрсаткичлар юқори ихтисослашганлик даражаси дейилади¹. Мазкур индекснинг 2010-2014 йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, миллий экспортимизнинг диверси-

¹ Export diversification and Competitiveness in Developing Countries.// V.Chandra, J.Boccardo and I. Osorio. March 9, 2007

фикациялашганлик даражаси 2010 йилдаги 2,52 кўрсаткичдан 2014 йилда 3,95 кўрсаткичга ошиб борган.

Юқоридаги ҳолатлар мамалакатимиз корхоналарини экспорт ҳажмини ошириш ва унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора тадбирларнинг самарали натижасидан дарак беради. Сўнги йилларда экспортни диверсификация қилиш даражасининг ортиб бориши юқори ўсиш суръатларини таъминлашга кўмаклашади. Экспортни диверсификацияси хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар турининг ортиши орқали экспорт географиясини кенгайтишига сабаб бўлади.



**2-диаграмма. Ўзбекистоннинг экспорт географияси
фоиз ҳисобида².**

Мамлакат экспорт ҳажми ва унинг ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини ва унинг ихтисослик даражасини кўрсатди. 2010-2014 йиллар мобайнида ташқи савдо айланмаси 2,3 марта, экспорт эса 1,5 марта ортди.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ноорганик кимё маҳсулотлари, ўғитлар, парфумерия ва касметика воситалари, пластмассалар, дон маҳсулотлари, сабзаётлар, мевалар, ун ва ёрма маҳсулотлари, сабзаётлар, автомобил каби товарлар бўйича экспорт ҳажми ошди. Енгил саноат маҳсулотлари орасида трикотаж кейим кечаклар ва ипак газламаларнинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ўсди. «Ўзтелтехсаноат», «Ўзмеикомбинат», «Ўзкимёсаноат» «Ўзқишлоқхўжалик-машхолдинг» каби корхоналарнинг экспорт ҳажми ортди.

Экспорт диверсификациясининг амалга оширилиши экспорт таворлар таркибида сифат ўзгаришларига эришилишига самарали таъсир кўрсатди.

3-жадвал.

2010-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспорт товарлари таркибининг ўзгариш суръати (фоиз ҳисобида)¹.

Товарлар гуруҳи	2010	2011	2012	2013	2014
Жами	100	100	100	100	100
Пахта толаси	8,6	11,3	9,0	9,3	7,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	6,0	9,7	13,2	6,4	9,5
Кимё маҳсулотлари	5,0	5,1	5,6	5,6	3,9
Энергия ва нефт маҳсулотлари	34,2	24,8	18,5	34,6	30,1
Қора ва рангли металллар	5,0	6,8	7,4	7,8	6,1
Машина ва асбоб-ускуналар	2,9	5,5	6,7	6,5	5,3
Хизматлар	8,8	9,1	11,8	17,3	18,9
Бошқалар	29,5	27,7	27,8	12,5	18,7

3-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, хизматлар экспортининг ҳажми 2010 йилда 8,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 18,9 фоизни ташкил этди. Хизматлар ҳажми жами экспортининг 68,7 фоизини транспорт хизматлари, жумладан 50 фоиздан ортиғини темир йўл транспорти ташкил этди.

Шунингдек, Республикамизда экспорт билан шуғулланувчи корхоналарнинг ишлаб чиқараётган товарлари ва кўрсатаётган хизматлари сифатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

ошириш орқали дунё бозорида рақобатдош экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Миллий иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида республикада стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимини жорий этиш соҳаларининг йўлга қўйилганлиги қатор вазифаларни ҳал этиш имкониятини яратиб бермоқда.

Республикада стандартлаштириш ва метрология соҳаларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги ошиб бормоқда. Умумий эътироф этилган стандартлар сонининг 1 фоизга ўсиши давлатлараро ташқи савдо айланмасини 0,3 фоизга ошириш имкониятини берди¹.

Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар экспортини амалга оширишга кўмаклашувчи Бюронинг ташкил этилган йилдан буён 2012-2015 йилларда 2786 та корхонага бепул консултатив хизматлар кўрсатилди. Бундай консултатив хизматлар мутахассисларининг кўрсатган ёрдами натижасида 34 корхонанинг маҳсулотлари илк маротаба экспортга чиқарилди².

Савдо саноат палатаси билан ҳамкорликда 1984 корхонанинг 231 тасида экспорт прогнози белгиланди.

Юқорида мамлакатимиз корхоналарини экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш доирасида амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда қатор давлат муассасаларининг ва давлат ташкилотларининг кўмаги кўзланган натижани беради. Шунинг билан бир қаторда бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

¹ У.Якубов, Х.Асатуллаев. «Миллий иқтисодиёт субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари». Монография. Тошкент 2015, 67-бет.

² Ўзбекистон Республикаси экспортга кўмаклашиш Бюроси маълумотлари

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизмларини шакллантириш ва шароитларни янада яхшилаш;
- экспортни ривожлантиришга оид ҳудудий дастурларни такомиллаштириш;
- экспорт билан шуғулланувчи корхоналарга маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча имтиёзлар бериш;
- корхоналарнинг экспорт салоҳиятини намоён қилувчи ва инновацион фаоллигини оширувчи халқаро доирадаги ярмаркалар, кўргазмалар, маълумотлар марказларини ташкил қилиш ва бошқалар.

Корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш билан бир қаторда уни янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодий шакллантириш ички бозорлар билан бир қаторда жаҳон бозорида харидор-гир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш асосий вазифа бўлиши лозим. Бунинг учун, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, хом-ашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хорижий сармояли қўшма корхоналарни ташкил этилишига эътибор қаратмоғимиз керак.

2.3. Корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион жараёнларга таъсири

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозоридаги рақобатнинг кучайиши миллий иқтисодиёт субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётини таркибан янгилаш, фан

сиғимкорлиги юқори бўлган устивор соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш устивор вазифалардан бирига айланиб бораётган бугунги шароитда корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш инновацион жараёнларни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш, сўнги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарларнинг ҳаётийлик даврини барқарор ўсиб боришини таъминловчи замонавий усулларни кенг кўламда тарғиб этишни талаб этади.

Натижада бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга оширилиши миллий корхоналарнинг иқтисодий тараққиётини моддий ресурслар асосида эмас, балки инновацион шаклда, рақобат муҳитини шакллантириш орқали амалга оширилишини заруратга айлантирмоқда.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бугун шуни тан олишимиз керакки, рақобат муҳитини шакллантириш йўналишида амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди. Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз режали тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ»¹.

Демак, ҳозирги кунда республикаимиз корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, рақобат муҳитини шакллантиришни давом эттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса ҳозирги иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакат иқтисодиётининг интеграциялашуви ҳамда жаҳон

¹ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини давом эттириш йили бўлади.-Т.:Ўзбекистон, 2014.- 64 б

бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида янада долзарб масалага айланмоқда.

Замонавий ривожланиш ва унинг яқин келажакдаги истиқболининг ўзига хос хусусияти шундаки, экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш инновацион жараёнларни стратегик бошқариш учун зарурий воситага айланмоқда. Бу жараён иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислохотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда миллий корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигининг илмий тадқиқот натижалари ва илмий ҳажмдор юқори технологиялар ҳисобига ошириш инновацион жараёнларни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, «Инновацион жараён - моддийлашган натижани ўзида акс эттириб, янги технологик жараёнга, техник воситага, ускуна ва жиҳозга, янги маҳсулотга, хизмат турига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклига, меҳнатга, бошқаришга, ахборот тизимига сарфланган капитал маблағлар туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг интеграл натижасини, яъни корхонанинг иқтисодий ўсишини таъминлайди»².

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришга қаратилган жараёнларни тезлаштириш, тез суръатлар билан ривожланаётган турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инновацион жараёнларни амалга оширишни жадаллаштиришдан иборат.

Корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш уларнинг рақобатбардошлик даражаси ва инновацион салоҳиятга бевосита боғлиқлиги, ҳозирда йирик корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш

² Г.К.Тарахтиева. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. - Т.: Фан ва технологиялар, 2013.-208 б

ва рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда йирик давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган институционал ислохотлар натижасида иқтисодиёт тароқлари ва соҳаларида турли мулкчилик шакллари асосланган корхоналар вужудга келди. Натижада мазкур корхоналар ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлди. Шу билан бирга нисбатан қисқа давр ичида, мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлган инновацион сиёсатни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба конструкторлик ишлари ҳамда юқори технологик жараёнларни амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги «Илм-фанни далаат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида» ги, 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 15 декабрда тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги, 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВазирларМаҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги «Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 19 январдаги «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2004 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 10 ноябрдаги «Илмий, илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳозирда мамлакатимизда экспорт фаолияти билан шуғулланаётган турли шаклдаги корхоналар миллий иқтисодиётнинг истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажармоқда. Аммо корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимининг сустлиги корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш механизмларини самаралиташкил этишга, унга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва шу каби бошқа устивор вазифаларни ҳал этишни кечиктирмоқда.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётда рақобатчилик муҳитининг юзага келиши корхоналарда инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатади. Натижада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмуни нафақат бойитилинади, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлган хўжалик юритиш фаолияти, тармоқ ва соҳаларнинг кенг ҳамда ҳар томонлама ривожланиши учун замин яратилинади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги турли якка ҳукмронлик ҳолатларига барҳам берилиб, корхона маблағлари ва бошқа ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ҳаракатчанлиги ортади.

Демак, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарнинг рақобатбардошлиги мамлакатнинг монополияга қарши кураш ва рақобат муҳитини яхшилаш тизимини самарали ишлашига боғлиқ. Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги хусусий мулкчиликнинг ривожланган-

лик даражаси, уни давлат томонидан кафолатлаш тизими ҳамда мамлакатнинг инновацион сиёсати ва кучли институционал муҳит даражасининг юқорилиги билан ҳам белгиланади.

Давлатимиз томонидан Жаҳон иқтисодий форуми қабул қилинган глобал рақобатбардошлик индексига кирувчи 12 та гуруҳга оид омиллар асосида Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларга нисбатан рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича истиқболли дастурлар ишлаб чиқилди. Натижада миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолашда макроиқтисодий вазият (аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, ЯИМ дефлятори, ишсизлик даражаси) давлат институтлари сифати, инсон омили, инновацион салоҳият, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, инсон капиталига йўналтирилган инвестиция каби кўрсаткичларни яхшилашга эришилди.

Франциянинг нуфузли «Инсерт» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тайёрланиб, 2013 йилда эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» деб номланган таҳлилий маърузасида инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятнинг энг кучли томонларидан бири эканлигини алоҳида таъкидланиб, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича 75,38 балл билан дунёда 141 мамлакат орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Таҳлиллардан кўринадики, макроиқтисодий кўламда корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш мамлакатнинг инновацион салоҳиятини яхшилашга самарали таъсир этади. Корхоналарда моддий-техника базасининг ҳолати ва ташқи бозорда маҳсулотнинг рақобатга дош бера олмаслиги инновацияларни жорий этишни рағбатлантиради.

Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, миллий иқтисодиёт субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда қуйидаги асосий муаммоларга эътибор қаратиш лозим:

- биринчидан, мамлакатимиз бир қатор фундаментал фан соҳаларида катта салоҳиятга эга, аммо ушбу салоҳиятни ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ишга солиш механизми яратилмаган;
- иккинчидан, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарнинг инновацияларни қабул қилиш жараёнини паст даражада қолаётганлиги корхоналарда илғор технологияларга бўлган талабнинг сустлашишига олиб келмоқда;
- учунчидан, қулай ишбилармонлик ва бизнес муҳитини яратиш борасида камчиликларнинг мавжудлиги корхоналарнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишига салбий таъсир кўрсатмоқда¹.

Мамлакатимизнинг реал сектор корхоналари бўйича инновацион салоҳият ва рақобат муҳитини ўрганиш борасидаги вазият таҳлили шуни кўратадики, 2015 йилда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони республика-мизда 144 тани ташкил этган. Жумладан, тармоқ бўйича «Ўзбекэнерго» ДАКда 5 та, «Ўзбекнефтгаз» МХКда 7 та, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКда 13 та, «Ўзкимёсаноат» ДАКда 7 та ва бошқалар².

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхона менежерлари ҳозиргача миллий ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришларни олдиндан айта олмаслиги, истеъмолчи талаби ва дидини ўрганмаслиги, корхонанинг бошқариш мезонига нисбатан қайси йўналишда барқарор

¹ У.Якубов, Х.Асатуллаев. «Миллий иқтисодиёт субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари». Монография. Тошкент 2015, 131 бет

² www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ахборот сайти маълумотлари

рақобат устунлигига эришиш имкониятларини аниқлай олмаслиги корхоналарнинг рақобат курашида муваффақиятсизлигига учрашига олиб келмоқда.

Мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг фикрича, XXI асрда жаҳон иқтисодиётини ривожланишига глобаллашув, интеграция, инвестиция, инновация ва рақобат таъсир кўрсатади.

Келтирилган таҳлиллар ва олинган назарий билимларга таянган ҳолда корхонанинг инновацион мақсадлари, истиқболли ва узок муддатли инновацион стратегиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса ҳамда эришилган натижалар мониторинги олиб борилса корхонанинг экспорт салоҳиятини самарали фойдаланишга олиб келади. Натижада корхонада инновацион муҳит шаклланади.

Шу боисдан корхоналарнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш инновацион фаолиятни мураккаб ижтимоий-иқтисодий асосларини самарали тадбиқ этилишига асос яратади. Фикримизча, корхона инновацион стратегиясининг шаклланиш механизми, унинг иқтисодий моҳияти ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўллариини ўрганиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш механизмларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имкониятини беради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион жараёнларга таъсири ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- илм талаб ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- республикага ҳозирги замон талаби даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, миллий иқтисодиётнинг замонавий тузилмасини вужудга келтиришга кўмаклашиш;

- ишлаб чиқаришга ресурс тежовчи асбоб ва ускуналарни, технологияларни жорий этиш;
- корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун аввало, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш;
- корхона инновацион ривожланишини бошқариш, ўзида ташкилий
- тизимда, меҳнат муносабатларида, маҳсулотларни етказиб берувчилар, истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларда керак бўладиган турли таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда бутун иқтисодиётнинг самарали ишлаши, шу жумладан, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун фанда ва амалиётда маълум бўлган барча ишлаб чиқариш, моддий, хом-ашё, кадрлар салоҳияти, инвестициялар, кенг ахборот базалари, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа шу кабилар ҳаракатга келтирилиши керак. Мазкур омилларнинг оқилона ишлатилиши нафақат корхоналарнинг, балки бутун иқтисодиётнинг самарали амал қилишини таъминлайди.

ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг самарали амалга оширилиши ўз навбатида замонавий бошқарув ва ишлаб чиқариш усулларида фойдаланишни, яъни бир сўз билан айтганда инновацион бошқариш стратегияларини талаб этади.

Ҳозирги вақтда табиий ва меҳнат ресурслари билан бир каторда мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти ҳам миллий иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишида инновация фаолиятини, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланмоқда.

Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фақат экстенсив йўналишда, яъни инновацияларга маблағларнинг миқдорини ошириш йўли орқали мазкур соҳада банд бўлган илмий ходимлар сонини ошириш юқори самара бермаслигини тадқиқотлар исботламоқда. Фикримизча, инновацияларга ажратилган инвестициялар бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, охир оқибатда аҳоли турмуш даражасининг ошишига қўшган ҳиссаси билан инновациялар самарадорлигига баҳо бериш мумкин.

Шу сабабли ҳар бир корхона, тармоқ ва умуман миллий иқтисодиётда ресурс ва энергия тежамкор техника ва технологиялардан, инновацион субъектларнинг бозордаги ўрнини белгилаб беради.

Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда ўрта ва узоқ муддатли чора тадбирларнинг мунтазам ривожланиш стратегиясини шаклланиши миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг концепциясига айланиб боради.

Бу концепциянинг асл мақсади иқтисодий сиёсатимиз, авваламбор, ички бозорни ривожлантиришга, ички эҳтиёжларни қондиришга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рақобатидан сақлашга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал фойдаланишга қаратилган бўлиши керак.

Яқин келажакда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш системасини либераллаштириш;
- корхоналарни техникавий қуроллантиришни ва янгилашни молиялаштиришга йўналтирилган ички инвестицияларни қўпайтириш;
- молия ва банк тизимини такомиллаштириш, миллий валютани алмаштириш курсини оптималлаштириш, инфляцияни имкони борича пастроқ даражада ушлаб туриш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, ички ва ташқи бозор учун мўлжаллаб юқори сифатли максимал қўшимча қийматга эга бўлган тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш;
- миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва янги корхоналарни қуриш, мавжуд хом ашёни қайта ишлашга имкон берадиган замонавий технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

III БОБ. КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятлари

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодиётни модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб замонавий корхоналарни ташкил қилиш бир қатор иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади. Ўз навбатида бундай ислоҳотларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, импорт қилинадиган айрим маҳсулот турларини маҳаллийлаштириш асосида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга кенг қўламли имконият яратади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида қабул қилинган чора тадбирлар тизимига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан бири ҳам бу борада мустақил йўналишни шакллантиришни қарор топтиришда ўз ифодасини топади. Бу борада экспорт салоҳияти юксак даражада ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш инновацион иқтисодиётни шакллантиришда кўзланган ижобий натижага эришиш имкониятини беради.

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш макроиқтисодий муҳитга, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, инсон капитали ва таълим тизимнинг сифати, тадбиркорлик муҳити каби бир қатор ҳолатлар билан бевосита боғлиқ жараён эканлиги ҳисобга олинса

экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг комплекс чоратadbирлар тизимини ўзида мужассам этади.

Мамлакат экспортини таркибий жиҳатдан такомиллашувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш орқали маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб этади. Бу ҳолат иқтисодиётнинг барча тармоқларини ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини таъминлайди.

Экспортга йўналтирилган тармоқларда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнинига эга бўлишини таъминлайди. Мазкур ҳолат экспортга йўналтирилган тармоқларни юқори техника-технологияларга асосланишини талаб этади. Ушбу жараён экспорт тармоқларида кечаётган жараёнларни комплекс равишда қамраб олиш имкониятини беради. (6-расм).



6- расм. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг экспорт салоҳиятини оширишга таъсири.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни ташқи бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта толасини қайта ишлаш) таъминлайдиган хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилган йўналишларга инновацияларни қўллаш. Бу ўз навбатида:

- технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда хом-ашё, материал ва энергия ресурслари сарфи меъёрини тушириш ҳисобидан таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш;
- саноат тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш;
- йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни яратишга имкон беради.

Технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда хом-ашё, материал ва энергия ресурслари сарфи меъёрини тушириш ҳисобидан таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида саноат тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон иқтисодиётини

технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим элементига айланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирларнинг амалга оширилиши йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни яратишга имконият беради.

Ўзбекистоннинг рақобат қилишдаги устунликлари экспортга йўналтирилганликни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий хомашёдан фойдаланадиган соҳалар каттароқ имкониятга эга. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ички хомашё ва меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин бўлган кўп меҳнат ва кўп ресурс талаб қилувчи соҳалар. Тўқимачилик, химия, озиқ-овқат саноатининг баъзи турларини ҳам шуларга қўшиш мумкин;
- баъзи техника ва илмни кўп талаб қилувчи соҳалар. Улар ўзлари билан бошқа инвестицион лойиҳаларни чуқур ишлаб охирига етказишни тақазо қилади. Шулар жумласига биокимёвий ишлаб чиқариш (аввало, маҳаллий хомашёдан дорилар ишлаб чиқариш), электрониканинг баъзи элементларини ишлаб чиқариш, ядро физикасининг тижорат йўналишлари, машинасозликнинг қатор йўналишларини киритиш мумкин.

Бирламчи соҳалар (қишлоқ хўжалиги, энергетика ва қазиб олиш саноати)нинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муттасил давом этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, бу тадбирлар сирасига қуйидагилар киради:

¹ О.Т.Юлдашев, Ж.Ж. Жамолов Ўзбекистонда саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш стратегияси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2012 йил № 5 сон

- корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш;
- экспортни кафолатлаш ва суғурта қилиш жамғармалари ташкил қилиш учун маблағ ажратиш;
- ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиб, уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишга йўналтириш;
- биринчи навбатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унитиб улгурмаган МДХ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнация омборларнинг кенг тармоғини яратиш.

Экспорт қилинаётган товарларнинг энг катта улуши "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзкимёсаноат" ассоциациялари маҳсулотига тўғри келишини, бу ички ва дунё бозори талаблари билан белгиланганини назарда тутиб, келажакда ҳам шу соҳаларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ҳаражат таркибини таҳлил қилиш экспортнинг энг маъқул номенклатурасига қайта ишловчи соҳалар ва енгил саноат маҳсулотларини киритиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ҳажми экспорт нархининг тўртдан бир қисмидан ортмайди ва бу маҳсулотни экспорт қилиш самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли мана шу соҳалар, айниқса, енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришнинг янги имкониятларини топиш мақсадга мувофиқ. Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклларида бири аҳолининг асрлар давомида тўплаган тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикадиган корхоналар ташкил қилиш бўлиши мумкин.

Яқин келажакда машинасозлик корхоналари экспорт салоҳиятини замонавий музлаткичлар, қишлоқ хўжалиги учун машиналар, янги енгил

автомобиллар, қўрғошинли аккумуляторлар, автомобил двигателлари ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига ошириш кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланиши керак. Агар иқтисодиёт ва ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар мажмуи ишлаб чиқилса ва амалга оширса, бу мақсадга эришишимиз мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш на бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билангина экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли ҳам давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратиши лозим. Экспортга йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибасини кўрсатишича, мамлакат захиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирдагина бойиб кетиши ва гуллаб-яшнаши мумкин. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида инсонга кўпроқ эркинликлар бериш керак.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида ва келажакда ушбу корхоналарга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим йирик саноат корхоналарида технологик жиҳатдан маънавий эскирган ва муддатини ўтаб бўлган асбоб-ускуналар салмоғи юқорилигича қолмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни мобил ҳаракатчанлигини таъминлайди. Субъектлар ўртасида умумий манфаатнинг юзага келиши ушбу муаммони ҳал қилувчи асосий ечим ҳисобланиб, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим асос яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда саноат тармоқларини инновацион ривожлантириш ҳамда экспортда юқори технологияли маҳсулотнинг

улушини ошириш орқали дунё бозорларига чиқишни янада кенгайтириш учун қуйидаги йўналишларга устуворликлар беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- саноатни инновацион ривожлантириш мақсадида кадрлар тайёрлаш тизимида юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлашга нисбий устунликлар бериш;
- етакчи олий ўқув юртлари қошида эркин иқтисодий ҳудуд типигаги технопарк ва технополисларни ташкил этиш (Россия, Япония ва Хитой давлатлари тажрибаси) орқали саноатда “инновация- ишлаб чиқариш” жараёнларини янада интеграциялаш;
- аксарият саноат тармоқларини экспортга мўлжалланган юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш;
- саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида замонавий технологиялар импортини кучайтириш ва мамлакатда мутахассисларнинг бу борадаги хорижий таклифини ошириш;
- саноат ишлаб чиқаришида кўпроқ фан техника сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратган ҳолда жаҳон бозорларига чиқишни янада кенгайтириш.

3.2. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш истикболлари


Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари асосида миллий иқтисодиёт тармоқларида амалдаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларини ўрни беқиёс ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модерниза-

ция қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади. Мамлакатимизнинг соҳа ва тармоқларида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг замон талабларига жавоб бериши орқали корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар манфаатини ҳам оштиради. Шу сабабдан миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш бугунги кун иқтисодиётининг долзарб вазифаларидан бири саналади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг асосий йқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қуйидаги тўхталдилар: «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади»¹. Шу боис, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларини жадаллаштириш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация

¹ И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг асосий йқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга самарали таъсир кўрсатади. Натижада, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ортади. Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик индекси юқори поғонага кўтарилади, мамлакат аҳолисининг иш билан бандлик даражаси ортади, аҳоли турмуш даражаси юксалиши орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади (7-расм).




7-расм. Иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг пироворд натижаси².

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан “чидамлилиқ”, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига узвий боғлиқ. Мазкур жараён ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидаги сифат ўзгаришларини таъминлашга самарали таъсир кўрсатади. Бу эса модернизациялаш жараёнларидаги ислохотларни изчиллигини таъминлаш билан бирга, барча соҳа ва тармоқларда жадал

² Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш: Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2013.- 234-бет

ислохотлар тизимини шакллантириш ва модернизация жараёнларининг жамият ҳар бир аъзосининг онгу тафаккури, дунёкарашини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тақозо этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда (8-расм).



8-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари¹.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш борасида 2011-2015 йилларда

¹ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш: Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2013.- 234-бет.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги дастур муҳим аҳамият касб этади.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги Дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур Дастур доирасида саноатни ривожлантиришнинг бир қатор сифат кўрсаткичларига эришилди.

4-жадвал

2011-2015 йилларда саноатини ривожлантириш доирасида эришилган сифат кўрсаткичлари¹.

т/р	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1.	Саноат маҳсулотлари ўсиш даражаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)	109,3	109,7	110,3	110,9	111,8
2.	Саноатнинг ЯИМдаги улуши, фоизда	24,1	24,8	25,8	26,8	28
3.	Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида яқуний тайёр маҳсулот улуши, фоизда	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
4.	Саноатда инвестициялар ҳажми (млн.долл)	3207,9	3923,9	4891,1	6118,9	7531,6
5.	Янгидан ўзлаштирилган саноат маҳсулотлари турлари (бирликда)	26	40	46	56	83
6.	Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида саноат маҳсулотлари экспортининг улуши (фоизда)	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
7.	Саноатда яратилган иш ўринлари сони (бирликда)	32896	57692	76521	97726	119102

Дастур мамлакат саноатини жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

уларнинг экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшди.

Истиқболда мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш саноат тармоқлари, комплекс ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада оширишга боғлиқ.

Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш орқали экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш мақсадида экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ҳақида мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси қуйидагича тўхталди: «Экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермерлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятдан озод қилингани ва уларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан, аввало, ўзларининг манфаатдор бўлишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш лозим. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий

этиш керак»¹.Шунинг билан бирга миллий иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида қуйидагиларга аҳамият қаратиш зарур:

- таркибий тузилма ҳосил қиладиган тармоқлар ва умуман, саноатни ривожлантиришда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, саноат ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машина-созлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устивор тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат корхоналарини кенг миқёсида модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юксак технологиялар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларни жадал тадбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг


¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатимизнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ортиб боришини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобидан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда тадбиқ этиш;
- жаҳон бозори талабларига мос таклиф ҳажмини яратишда корхоналарнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштирган ҳолда инновацион техника ва технологиядан фойдаланиб ишлаб чиқариш тизимини янгилаш;
- транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютуқларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормокда.

Юқорида зикр этилган йўналишларни умумлаштирган кўринишда тасвирлаш мумкин.



9-расм. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий моҳияти ва тамойиллари¹.

^{1 1} Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш: Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2013.- 236-бет.

Фикримизча истиқболда мамлакатимиз етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги йўналишлар доирасида мақсадли дастурларни амалга ошириши муҳим:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- юқори қўшилган қиймат яратиладиган тармоқлар улушини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича ислохотлар бевосита давлатимиз томонидан, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши экспорт салоҳиятини ошириш учун истиқболли замин ҳозирлайди.

УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида ва келажакда ушбу корхоналарга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим йирик саноат корхоналарида технологик жиҳатдан маънавий эскирган ва муддатини ўтаб бўлган асбоб-ускуналар салмоғи юқорилигича қолмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни мобил ҳаракатчанлигини таъминлайди. Субъектлар ўртасида умумий манфаатнинг юзага келиши ушбу муаммони ҳал қилувчи асосий ечим ҳисобланиб экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим асос яратади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади. Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар салмоғи ортиб боришига қарамасдан экспорт таркибида асосан хом-ашёнинг улуши сақланиб қолмоқда. Бу борада ижобий натижаларни қўлга киритиш учун жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиқиб экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан, рақобатбардош

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин ўсишини таъминлайди, иккинчидан талаб ҳажмига мос равишда таклифнинг билдирилиши орқали мамлакат савдо балансини мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатади. Экспорт қилинадиган тайёр маҳсулотларга эркин нарх белгиланиши экспорт фаолияти субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасига баҳо бериб ўтиш, экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларни аниқлашда бозор механизмидан самарали фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимиз экспорт маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқлашда, ички ресурслар қийматининг жаҳон бозори нархларига нисбати, қайта ишланган маҳсулотлар бўйича маҳсулот улгуржи нархларининг жаҳон бозори нархларига нисбати коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳисоб-китобларда «экспорт харажатлари» омилининг ҳисобга олиниши маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш кўзланган натижага эришишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат ўзининг ёрқин ифодасини экспорт салоҳитидан самарали фойданиш борасида катта тажрибага эга бўлган ҳар бир мамлакат иқтисодиётида акс эттиради. Жумладан, Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ушбу жараёни тўлақонли асослаб бера олади.

Рақобат муҳитининг шаклланиб бориши тайёр маҳсулотлар экспорти-нинг ўсиши, ички бозорнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараён маҳсулотлар рақобатбардошлик даражасига самарали таъсир кўрсатиб, маҳсулотларни четга чиқаришни рағбатлантириш орқали таклиф ҳажмининг ўсишига имконият беради. Бундай ҳолат ўз навбатида экспорт фаолияти субъектларини экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга стимул бергани ҳолда мамлакат экспортнинг ортиши билан бир қаторда унинг сифат жиҳатидан такомиллашувига олиб келади. Шу аснода рақобатда устунлигини берувчи ҳар бир жараён ўзига хос инновацияни кашф этилишига сабаб бўлади. Мазкур жараён инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишига қуйидаги ҳолатлар орқали таъсир этади:

- экспортга йўналтирилган тармоқларда фан-техника ютуқларини жорий этиш, технологик ва техникавий қайта қуrollанишга чет эл капиталини жалб этиш жадаллашади;
- ишлаб чиқариш фондларини йирик масштабда модернизациялаш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ортади;
- ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг материал сиғими ва энергия сиғимини янада қисқартириш, ресурсларни иқтисод қилишга асосланган типга ўтилади;

- экспорт таркибида хом ашё ва ярим фабрикатлар улуши қисқариб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар улуши ортиб боради;
- машина-қурилиш маҳсулотларини диверсификациялаш, инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун зарур бўлган фан-техника салоҳиятини янада мустаҳкамлаш курси давом этади ва бошқалар.

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар салмоғи ортиб боришига қарамасдан экспорт таркибида асосан хом-ашёнинг улуши сақланиб қолмоқда. Бу борада ижобий натижаларни қўлга киритиш учун жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиқиб экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин ўсишини таъминлайди, иккинчидан талаб ҳажмига мос равишда таклифнинг билдирилиши орқали мамлакат савдо балансини мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатади. Экспорт қилинадиган тайёр маҳсулотларга эркин нарх белгиланиши экспорт фаолияти субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Юқорида корхоналар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион иқтисодий шакллантиришдаги ўрни борасида умумлаштирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда бу борада ижобий натижага эришиш учун қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Корхона экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда бозор конъюнктурасига юқори даражада эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, лозим бўлса корхоналарда янги инновацияларни жорий этишга мўлжалланган кичик бўлимларни ташкил этиш лозим;

2. Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган стратегияси – маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш харажатларини қисқартириш, жаҳон сифат стандартлари, қадоқлаш, ўраш ва маркировка талабларини жорий қилиш,

маҳсулот ассортиментини кўпайтириш, минимал харажатлар асосида юқори сифатли экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлган «ишлаб чиқарувчи-қайта ишловчи-сотувчи» интеграцион тизимни такомиллаштиришни талаб этади, шу сабаб ушбу тизим фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

3. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда қуйидаги инновацияларни жорий этиш зарур:

- янги техника, технологияни жорий этиш ;
- бошқарув усуллариини ўзига хослигини таъминлаш;
- автоматлаштириш орқали харажатларни қисқартириш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизация қилиш.

4. Экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириб бориш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай фаолият айниқса экспорт билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари учун мақсадга мувофиқ;

5. Корхоналарда инновациянинг бошқарилаётган тизими тавсифи корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш шакллари; юқори даражадаги раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиши; инновацион фаолиятга қатнашувчиларнинг эркинлик даражасини таъминланиш;

6. Фан-техника тараққиётининг янги босқичида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, кўплаб тармоқларда корхоналар ҳажминини оқилона кичрайтириш, турли хилдаги товар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлаш;

7. Тайёр маҳсулотлар экспортдан тушган валюта тушумларининг мамлакат савдо балансини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспорт фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқлар тенглигини таъминлаш ҳамда замонавий савдо тизимини барпо этиш

мақсадида асосан экспортга йўналтирилган фаолиятни ички талабни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

8. Экспорт билан шуғулланувчи корхоналарнинг инновацион фаолияти самарадорлиги биринчи навбатда уни малакали билим ва кўникмаларга эга бўлган инноваторлар ишининг натижавийлигига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг қисқа ва узоқ муддатли йўналишларини ишлаб чиқиш мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда корхоналар экспорт салоҳиятини оширишнинг истиқболли йўналишларига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги қонуни. Т.: Адолат, 2000й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-313-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини ташқи янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3631сонли Фармони 2005 йил 21 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №114 (3659) сонли Фармони 2005 йил 14 июнь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ПҚ-1092 сонли Қарори 2009 йил 8 апрел.
8. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг ПҚ–1442–сонли Қарори 2010 йил 15 декабр

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тўғрисида»ги №336-сонли Қарори, 1997 йил 2 июль
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги №205-сонли Қарори, 2003 йил 2 май

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йули. Т, «Ўзбекистон», 2001, 128 б.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
14. Каримов И.А. “Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида” Т.: Ўзбекистон 2005. 175 б.
15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.: Ўзбекистон, 2009.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

18. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

19. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

III. Асосий адабиётлар

20. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш: Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ

21. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Гольдман Е.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 312 б.

22. Морозова Л. Э., Бортник О. А., Кравчук И. С. Экспертные методы и технологии комплексной оценки экономического и инновационного потенциала предприятий. Учебное пособие.: - М.: Альпина бизнес букс, 2009.

23. Афоничкин А.И. Основы менеджмента. Учебное пособие.: – М.: Кнорус, 2011. –С.272.

24.Друкер П. Задачи менеджмента в XXI веке.: Пер. с англ.: – М.: Издательский дом «Вильямс», 2004. – 272 с.

25.Гончаренко Л.П., Арутюнов Ю.А.. Инновационная политика: учебник / –М.: КНОРУС, 2009. -352 С.

IV. Қўшимча адабиётлар

26. Набиев Э Қаюмов А. “Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти”. «Академия» Тошкент 2000 й.

27. Якубов У, Асатуллаев Х «Миллий иқтисодиёт субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари». Монография. Тошкент 2015

28.Б.З. Мильнер Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. – Москва: Инфра-М, 2010. – С.123.

29.Тарахтиева. Г.К. Инновацион менеджмент. Ўқув қўлланма.- Т.: Фан ва технологиялар, 2013.-208 б

30.Балабанов И.Т Инновационный менеджмент. Учебник для вузов.- СПб.: Питер, 2001.-304 с.

V. Диссертация ва диссертация авторефератлари.

31.Очковская М.С. Инновации как качественный фактор экономического роста. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: Дело, 2006. – С.4.

32.Р.Раҳмоновнинг и.ф.н. илмий даражасини олиш учун «Минтақа экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва такомиллаштириш йўллари» (Фарғона минтақаси мисолида) мавзусида ёзган диссертация автореферати.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

33.Ю.А. Савинов, В.А. Орешкин А.А. Лебедевлар Экспортный потенциал отрасли по разработке и сбыту информационно-коммуникационных технологий. Российский внешнеэкономический вестник. 6 – 2013

- 34.Н.М. Расулов, Б.Б. Муллабаев. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш – корхоналар рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2014 йил № 5 сон
- 35.К.Кикади, Серж. Оценка локального экспортного потенциала промышленных предприятий развивающихся стран / К.Кикади Серж, Н.С. Рычихина // Экономика и предпринимательство. - Москва. 2014. № 2. - С.41.
- 36.В.В.Швыдкий. Теория и практика фор-мирования и реализации экспортного потенциала предприятий, Известия КГТУ(19), С. 67-73.
- 37.У.Якубов, Х.Асатуллаев. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари. Молия журнали. 2015 й №4
- 38.Д.Н. Мирхамидова “Инновациялар ва тадбиркорликда янгиланиш жараёнлари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – Т.: 2013. № 6
- 39.О.Т.Юлдашев.,Ж.Ж. Жамолов Ўзбекистонда саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш стратегияси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2012 йил № 5 сон

VII. Интернет сайтлар

- 40.www.gov.uz
- 41.www.mfer.uz
- 42.www.review.uz
- 43.www.cer.uz
- 44.www.businesspress.ru
- 45.www.mfa.uz
- 46.www.stat.uz
- 47.www.singstat.gov.sg